

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

РАУФОВ АЛИШЕР АНВАРОВИЧ

**БРОНХИАЛ АСТМА ВА ЎПКАНИНГ СУРУНКАЛИ ОБСТРУКТИВ
КАСАЛЛИГИ КЕСИШМАСИДА КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК ВА
МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

**ТИББИЁТ ФАHLАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО-2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Рауфов Алишер Анварович

Бронхиал астма ва ўпканинг сурункали
обструктив касаллиги кесишмасида

клиник-иммунологик ва молекуляр-генетик жиҳатлари

3

Рауфов Алишер Анварович

Клинико-иммунологические и молекулярно-генетические
аспекты перекреста бронхиальной астмы и
хронической обструктивной болезни легких

22

Raufov Alisher Anvarovich

Clinical-immunological and molecular-genetic
aspects of the bronchial asthma and
chronic obstructive pulmonary disease overlap

41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

45

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

РАУФОВ АЛИШЕР АНВАРОВИЧ

**БРОНХИАЛ АСТМА ВА ЎПКАНИНГ СУРУНКАЛИ ОБСТРУКТИВ
КАСАЛЛИГИ КЕСИШМАСИДА КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК ВА
МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.PhD/Tib1459 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Файзуллаева Нигора Яхъяевна
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар

Наврўзова Шакар Истамовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Нурпеисов Таир Темырланович
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Қозоғистон республикаси)

Етакчи ташкилот

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий кўчаси, 1 уй.Тел./факс (99865) 233-00-50, e-mail: www.bsmi.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навои кўчаси, 1 уй. Тел./факс (99865) 233-00-50.

Диссертация автореферати 2022 йил «_____» _____ кунни тарқатилди.

(2022 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш.Иноятов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Н.Ачилова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Б.З.Хамдамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда нафас олиш тизимининг сурункали носпецифик касалликлари энг кўп тарқалган касалликлар гуруҳига кириб, аҳоли орасида ногиронликка сабаб бўлиши туфайли соғлиқни сақлаш тизимида уларнинг профилактикаси, самарали диагностикаси, даволаш чораларини ишлаб чиқишни тоқазо этади. Бронхиал астма ва ўпканинг сурункали обструктив касаллиги пастки нафас йўллариининг сурункали қайталанувчи касалликларидир. Ушбу касалликларнинг ҳар бири ўзига хос патофизиология, клиник, иммунологик механизмлари ва генетик мойиллигига эга, аммо баъзи беморларда бронхиал астма ва ўпканинг сурункали обструктив касаллиги кесишмаси кузатилиши мумкин. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «...бронхиал астма ва ўпканинг сурункали обструктив касаллиги билан мос равишда 339 ва 251 миллион киши касалланган...»¹. Бронхиал астма ва ўпканинг сурункали обструктив касаллиги кесишмаси эпидемиологияси эса респиратор касалликлари бўлган беморлар орасида 10% дан 30% гача ўзгариб туради.

Ҳозирги пайтда дунё бўйича бронхиал астма ва ўпканинг сурункали обструктив касаллиги кесишмасининг тарқалиши, клиник-иммунологик, молекуляр-генетик жиҳатлари ва хавф омилларини ўрганиш бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бронхиал астма ва ўпканинг сурункали обструктив касаллиги кесишмаси ривожланишининг иммуногенетик механизмларини ўрганиш; атроф-муҳит омилларининг салбий таъсирини аниқлаш; ушбу нозологияни эрта ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш, протоколларини ишлаб чиқиш ушбу соҳадаги устувор илмий йўналишларнинг асосий нуқталари бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимини такомиллаштириш, атопик касалликлар ва уларнинг асоратларини камайтириш мақсадида «... аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимлари потенциалини ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг 2022-2023 йилларга мўлжалланган дастурини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш...»². вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар, жумладан аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, бронх-ўпка касалликларини ташхислаш ва даволашнинг юқори самарали замонавий технологияларини қўллашни такомиллаштириш орқали ногиронлик ва ўлим сабабларини камайтириш имконини беради.

¹ GINA (Global initiative for asthma) <https://ginasthma.org/archived-reports/gina-gold-2017-overlap-pocket-guide-wms-2017-aco/>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 январдаги ПФ-60-сон «Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 11 майдаги ПҚ-3715-сон «Аллергик касалликларни профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш ва даволашни тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида» ва 2020-йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бронхиал астма ва ўпканинг сурункали обструктив касаллиги кесишмаси ривожланишида иммун тизим механизмлари ва генетик мойиллик муҳим рол ўйнайди. Астмаси бор касалларнинг иммунореактивлиги Th2 фенотиби билан тавсифланади, нафас йўлларида эса Th1 ҳужайралари устунлик қилади. Th2 ҳужайралари эозинофил яллиғланишни келтириб чиқарадиган IL-5 ни, шунингдек IgE шаклланишига ёрдам берувчи IL-4 ва IL-13 ни ишлаб чиқаради (Peter J. et al., 2017).

Th17 ҳужайралари нейтрофил яллиғланиш ривожланишида муҳим рол ўйнаб, IL-17A ва IL-22 ни ишлаб чиқаради ҳамда ўпканинг сурункали обструктив касалликлари билан оғриган беморлар нафас йўлларида кўпайиб, сурункали жараёнга сабаб бўлади (Di Stefano A. et al, 2011).

Ўпканинг сурункали обструктив касаллиги ва бронхиал астманинг номзод генлари бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилганлиги, шу жумладан α 1-антитрипсин, α 1 антихемотрипсин, муковисцидоз гени, витамин D боғловчи оқсил, α 2 макроглобулин, цитохром P-450A1, AB0 қон гуруҳлари, HLA, иммуноглобулин танқислиги ва бошқалар ўпка касалликларининг ривожланишига ирсийлик катта аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлайди (Ивчик Т.В. и соавт., 2013).

P-450 CYP3A цитохромининг генлар оиласи глюкокортикостероидларга бирламчи қаршиликни шакллантиришда етакчи рол ўйнайди. Глюкокортикоидлар билан даволашда CYP3A ферментларининг фаолияти жигарда яхши ўрганилган, аммо бу геннинг ўпка тўқимасидаги фаолияти кам ўрганилган. Астма билан оғриган болаларда CYP3A5 гени A6986G полиморфизмининг терапия самарадорлигига таъсири ҳам ўрганилган (Застрожина А.К., 2019).

Сўнги йилларда Ўзбекистоннинг алергология ва иммунология соҳасидаги етакчи муттаҳасислари томонидан ўтказилган изланишлар Убайдуллаев А.М. (1974), Аралов Н.Р. (2005), Зиядуллаев Ш.Х. (2014), Носирова А.З. (2021) ва бошқаларнинг бу борадаги тадқиқотлари диққатга сазовордир.

Бронхиал астма ва ўпканинг сурункали обструктив касаллиги кесишмасининг шаклланишида иштирок этадиган иммунологик ва молекуляр-генетик маркерларини ўрганишда кенг қамровли тадқиқотлар ўтказилмаган. Буларнинг барчаси муаммонинг аҳамиятини, ушбу йўналишда чуқур тадқиқотлар ўтказишнинг муҳимлигини белгилайди, уларнинг ечими патогенезнинг иммунологик ва молекуляр генетик механизмлари фундаментал моҳиятини тушунишга, шу асосда профилактика чораларини ишлаб чиқишга, прогнозлашга, шунингдек, ушбу тоифа беморларни даволаш самарадорлигини ошириш ҳамда оптималлаштиришга ёрдам берган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот режасига мувофиқ (05.2022 DSc. 135) «COVID 19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш-профилактика усулларни ишлаб чиқиш» (2022-2026 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бронхиал астма ва ўпканинг сурункали обструктив касаллиги кесишмасида муҳим иммунологик ва молекуляр-генетик маркерларни ҳисобга олган ҳолда эрта ташхислашни оптималлаштириш ва касаллик кечишини прогнозлашдан иборат бўлган.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

бронхиал астма ва ўпка сурункали обструктив касаллиги кесишмасининг тарқалиш частотасини аниқлаш;

бронхиал астма ва ўпка сурункали обструктив касаллиги кесишмаси билан оғриган беморларнинг клиник хусусиятларини аниқлаш;

ўрганилган гуруҳ беморларида иммун жавоб медиаторларининг даражасини аниқлаш;

бронхиал астма ва ўпканинг сурункали обструктив касаллиги кесишмаси ривожланишида СҮРЗА5 ген полиморфизмининг таъсирини аниқлаш;

бронхиал астма ва ўпканинг сурункали обструктив касаллиги кесишмаси билан касалланган беморларда CFTR гени мутацияларининг муҳим аллеллари ва гаплотип ассоциацияларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2020-2022 йилларда бронхиал астма, ўпка сурункали обструктив касаллиги ва уларнинг кесишмаси билан касалланган ва Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази, Тошкент шаҳар Миробод тумани 3–сон касалхонаси, Тошкент шаҳар “Пойтахт мед диагностика” хусусий клиникаси назоратида бўлган 159 нафар беморлар ҳамда 20 нафар соғлом шахслар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморлар вена қони ва зардоби иммунологик ва молекуляр генетик тадқиқотлар учун олинган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда клиник, иммунологик, молекуляр-генетик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

биринчи марта ўзбек миллатига мансуб одамларда P-450 ген полиморфизмининг (CYP3A5 (G6986A)) ноқулай аллел А ва G/A генотиби бронхиал астма ва бронхиал астма ва ўпканинг сурункали обструктив касаллиги кесишмаси ривожланиш хавфи билан боғлиқлиги аниқланган;

CFTR_F508del ва CFTR_W1282X генларининг гетерозигота ҳолатидаги хавф мутациясининг бронхиал астма ва ўпканинг сурункали обструктив касаллиги кесишмаси ривожланишининг генетик хавф омили сифатида роли аниқланган;

бронхиал астма ва ўпканинг сурункали обструктив касаллиги кесишмаси билан оғриган беморларда касалликнинг кечиши, асоратларнинг ривожланиши ва иммун тизим цитокинлари концентрациясининг ўзгариши (IL-8, IFN- γ) ўртасидаги касаллик прогнозида пропорционал боғлиқлик аниқланган;

бронхиал астма ва ўпканинг сурункали обструктив касаллиги кесишмасида TNF α ва C-реактив оксил ўртасида тўғри пропорционал боғлиқлик борлиги аниқланган;

бронхиал астма ва ўпканинг сурункали обструктив касаллиги кесишмасида цитокинлар IL-4, IFN- γ ва IgE синтези ўртасида тўғри боғлиқлик аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

иммун тизими цитокинлар даражаси нисбати (IL-8, IFN- γ) асосида касаллик кечиши прогнози индекси аниқланишининг бронхиал астма ва ўпканинг сурункали обструктив касаллиги кесишмаси билан оғриган беморларда клиник кечишини баҳолашда ва терапияни буюришда ишлатилиши, бу касаллик кечишини объектив баҳолашга имкон бериши асосланган;

CYP3A5 генининг G6986A генотипини аниқлаш бронхиал астма ва бронхиал астма ва ўпканинг сурункали обструктив касаллиги кесишмасида муҳим прогностик мезон бўлганлиги асосланган;

F508del генотипли ва иккинчи «оғир» CFTR_W1282X гетерозигота ҳолатдаги мутацияга эга сурункали респиратор касалликлари бор беморларни нафас олиш тизими оғир асоратлари ривожланиши мумкин бўлган хавф гуруҳига киритиш кераклиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот ишларида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник, иммунологик ва статистик тадқиқот усуллари асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар

билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, ўзбек миллатига мансуб одамларда P-450 ген полиморфизмининг (CYP3A5 (G6986A)) ноқулай аллел А ва G/A генотиби бронхиал астма ва БАЎК ривожланиш хавфи билан боғлиқлиги аниқлангани, CFTR_F508del ва CFTR_W1282X генларининг гетерозигота ҳолатидаги хавф мутациясининг бронхиал астма ва ЎСОК кесишмаси ривожланишининг генетик хавф омили сифатида роли аниқлангани, бронхиал астма ва ўпканинг сурункали обструктив касаллиги кесишмаси билан оғриган беморларда касаллик кечиши, асоратларининг ривожланиши ва иммун тизим цитокинлари даражасининг ўзгариши ўртасидаги касаллик прогнозида пропорционал боғлиқлик аниқлангани, TNF α ва C-реактив оксил ўртасида тўғри пропорционал боғлиқлик борлиги аниқлангани, цитокинлар IL-4, IFN- γ ва IgE синтези ўртасида аниқ боғлиқлик аниқлангани билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти цитокинлар концентрацияси нисбати асосида касаллик кечиши прогнози индекси аниқланишининг бронхиал астма ва ўпканинг сурункали обструктив касаллиги кесишмаси билан оғриган беморларда клиник кечишини баҳолашда ва терапияни буюришда ишлатилиши, бу касаллик кечишини объектив баҳолашга имкон бергани, CYP3A5 генининг G6986A генотипини аниқлаш бронхиал астма ва бронхиал астма ва ўпканинг сурункали обструктив касаллиги кесишмасида муҳим прогностик мезон ҳисобланиши, F508del генотипли ва иккинчи «оғир» CFTR_W1282X гетерозигота ҳолатидаги мутацияга эга сурункали респиратор касалликлари бор беморларни нафас олиш тизими асоратлари ривожланиши мумкин бўлган хавф гуруҳига киритиш кераклиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бронхиал астма ва сурункали обструктив ўпка касаллиги кесишмасида клиник, иммунологик ва молекуляр-генетик жиҳатларини ўрганиш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида:

бронхиал астма ва сурункали обструктив ўпка касаллиги кесишмасида клиник, иммунологик маркёрлари прогностик аҳамиятини аниқлаш имконини берувчи «Бронхиал астма ва сурункали обструктив ўпка касаллиги кесишмаси билан оғриган беморларда иммунологик маркёрларнинг прогностик аҳамияти» услубий тавсияномаси тасдиқланган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 27 апрелдаги 8н-р/404-сонли гувоҳномаси). Мазкур услубий тавсиянома беморларда касалликни эрта аниқлаш, ўз вақтида даволаш усулини қўллаш орқали касаллик ривожланиши ва келиб чиқадиган асоратларини олдини олишга хизмат қилган;

бронхиал астма ва сурункали обструктив ўпка касаллиги кесишмаси бор беморларда ташхислаш, прогнозлаш ва профилактика усулларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш

амалиётига, жумладан, Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази, Тошкент шаҳар 3 сон клиник шифохонаси ва «Пойтахт мед диагностика» хусусий клиникаси амалий фаолиятига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 18 майдаги 8н-з/242-сонли хулосаси). Илмий натижаларнинг клиник амалиётга жорий этилиши касалликни эрта ташхислаш, даволаш тактикасини такомиллаштириш, касаллик асоратларини камайтириш, тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш ҳисобига касалхонада даволаниш давомийлигини қисқартиришга имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг амалий натижалари ва илмий янгилиги келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Сурункали респиратор касалликлар муаммосининг ҳозирги ҳолати ва унинг коррекция йўллари»** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар атрофлича кўриб чиқилиб, муаммонинг ўрганилганлик даражаси аниқланган. Шарҳда бронхиал астма ва ўпканинг сурункали обструктив касаллиги кесишмаси (БАЎК) билан оғриган беморларда этиопатогенез, хавф омиллари, тарқалиши ва диагностикаси, унинг иммуногенетик жиҳатлари, шунингдек, замонавий даволаш усуллари ҳақидаги долзарб ғояларни тавсифланган ва ҳал етилмаган муаммоларни аниқлайган.

Диссертациянинг **«Текширилган беморларнинг умумий тавсифи ва кўлланилган тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида ишнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ равишда материал ва тадқиқот усуллари

ёритилган. Тадқиқотда 2020-2022 йилларда пастки нафас йўлларидаги сурункали касалликлари билан оғриган 23-76 ёшдаги Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази, Тошкент шаҳридаги 3-сон клиник шифохонаси ва “Пойтахт мед-диагностика” хусусий клиникаси негизида 159 нафар бемор комплекс кўриқдан ўтказилган ва даволанган. Тадқиқотда клиник, иммунологик ва молекуляр-генетик усуллардан фойдаланилган.

159 нафар бемордан: 62 нафарида бронхиал астма, 67 беморда ЎСОК, 30 беморда астма ва ЎСОК кесишмаси билан касалланган. Барча беморлар тўлиқ клиник текширувдан ўтказилган, жумладан, лаборатория ва инструментал тадқиқотлар. Таққослаш гуруҳи сифатида 20 нафар соғлом одам текширилган.

Ташхис бронхопулмонал касалликларни ташхислаш ва даволаш бўйича халқаро консенсусга (GINA-2021, GOLD-2021) мувофиқ клиник ва функционал маълумотларга мувофиқ ўрнатилган. Ташхислар тўлиқ анамнез, клиник, лаборатория (УҚТ, УСТ, БҚТ), балғамни бактериологик текшириш, инструментал (электрокардиография, кўкрак қафаси рентгенограммаси, спирография, пикфлуометрия) асосида текширилган. Патологик жараёни давомийлиги, ўтказган ва ёндош келадиган касалликларга алоҳида эътибор қаратилган.

Иммун ҳолатини баҳолаш цитокинлар (IL-4, IL-8, TNF α , IFN- γ) С-реактив оқсил, лактоферрин, фибриноген хусусиятларини аниқлашни ўз ичига олган.

Ўрганилаётган гуруҳларнинг қон зардобиди IL-4, IL-8, TNF α , IFN- γ ва IgE таркибини аниқлаш учун уч босқичли «сендвич» усули қўлланилган - бу уч фазали ИФА нинг бир тури.

CYP3A5 (G6986A) гени полиморфизмини аниқлаш учун бронхопулмонал патологияси бўлган 110 нафар беморда молекуляр-генетик тадқиқотлар ўтказилган: улардан 42 нафари бронхиал астма, 38 нафари ЎСОК, 30 нафари бронхиал астма ва ЎСОК кесишмаси бор беморлар, 72 нафари эса назорат гуруҳини ташкил этган: CFTR гени полиморфизмини аниқлаш учун БАЎК ташхиси билан 30 нафар бемор танланган, назорат гуруҳи 60 кишидан иборат бўлган.

Олинган маълумотлар Фишер-Стюдент ўзгарувчанлик статистикаси усули бўйича статистик ишловдан ўтказилган ва χ^2 Пирсон тестидан фойдаланилган. Ўрганилаётган полиморфизм генотипларининг тақсимланиши Фишернинг аниқ тести (Вейр, 1995) ёрдамида Харди-Вайнберг мувозанатидаги мувофиқлиги текширилган.

Диссертациянинг «**Бронхиал астма ва ўпканинг сурункали обструктив касаллиги кесишмасининг клиник кечиш хусусиятлари**» номли учинчи бобида бронхиал астма, ЎСОК ва БАЎК билан оғриган беморларнинг текшириш натижаларини келтирилган.

Турли популяцияларда бронхиал астма ва ЎСОК кесишмаси билан оғриган беморларда касаллик ривожланиш частотасини ўрганиш бўйича хорижий муаллифлар маълумотлари таҳлил қилинган. Мета-таҳлил 1996 ва

2019 йиллар оралиғида ўтказилган умумий популяциядаги тадқиқотларни ўз ичига олган. Кузатишлар асосида 159 нафар беморда БАЎК билан касалланиш даражаси ўрганилган, натижада БА ва ЎСОК билан оғриган беморларда кесишма мос равишда 32,6% ва 30,9% ни ташкил этган.

Юқори даражада учрашига қарамай, фақат бир нечта популяцияга асосланган тадқиқотларда БАЎК тарқалиши ўрганиб чиқилган ва натижада бу ҳолатнинг эпидемиологияси атрофлича ўрганилган.

Таҳлилимиз шуни кўрсатганки, БАЎК БА/ЎСОК билан оғриган беморларда танланган популяцияга қараганда кўпроқ учраган, БА ва ЎСОК билан оғриган беморларда БАЎК мавжудлигини қиёсий таҳлил қилишда энг катта фоиз ЎСОК билан оғриган беморларда аниқланган (29,9%), БА билан оғриган беморларда бу кўрсаткич - 24,93% ташкил этган (OR = 0,80; 95% DI 0,50-1,28) (P<0,00001).

Бронхиал астма билан оғриган беморларнинг ўртача ёши $56,8 \pm 9,94$, ЎСОК билан оғриган беморлар - $60,3 \pm 8,19$, БАЎК билан оғриган беморлар - $57,4 \pm 8,48$. БА ва ЎСОК кесишмаси бўлган беморларнинг тадқиқот вақтидаги ёши сезиларли фарқланмаган.

Гендер таҳлили шуни кўрсатдики, БА ва БАЎК гуруҳларида аёллар устунлик қилган, ЎСОК гуруҳида эса эркаклар кўпроқ, бу эркакларда чекишга кўпроқ мойиллик борлиги билан боғлиқ бўлган.

Касалликнинг эрта бошланиши бронхиал астма гуруҳида кузатилган.

БАЎК ($18,8 \pm 4,3$) ва бронхиал астма ($34,1 \pm 10,1$) билан солиштириганда ЎСОК гуруҳида касалликнинг қисқароқ давом этган ($15,2 \pm 9,2$).

Ўрганилаётган патология билан оғриган беморларнинг асосий шикоятлари турли хил табиатдаги йўтал бўлган - 100% (n=159).

Нафас қисилиши ўртача - 69,9% (n=111) беморларда аниқлансада, кўпроқ БАЎК гуруҳида намоён бўлган, интоксикация белгилари (рангпарлик, бурун-лаб учбурчагининг цианози, ҳолсизлик, кўп терлаш, иштаҳани пасайиши) ва кўкрак қафасидаги оғриқ ҳам кўпроқ шу гуруҳда кузатилган.

Ҳар бир гуруҳда тана масса индексини (ТМИ) алоҳида ўрганишда қуйидагилар аниқланган; бронхиал астма гуруҳида семизлик билан оғриган беморлар 40,3% (n=25), нормал ва ортиқча вазнли беморлар мос равишда 22,6% (n=14) ва 37,1% (n=23) ни ташкил этган. ЎСОК гуруҳида нормал тана вазнига эга беморлар 67,2% (n=45), ортиқча вазн ва семизлик мос равишда 25,3% (n=17) ва 7,5% (n=5) ни ташкил этган. БАЎК гуруҳида ортиқча вазнли беморлар 43,3% (n=13), нормал вазн 20% (n=6) ва семизлик 36,7% (n=11) ни ташкил қилган.

Бронхиал астма ва ЎСОК кесишмаси билан оғриган беморлар гуруҳида касаллик оғирлигини баҳолашда касалликнинг ўртача оғирлиги устунлик қилган. БАЎК билан оғриган беморлар гуруҳида бир йил мобайнида касалликнинг хуруж қилиши ва касалхонага ётқизилши кўпроқ кузатилган.

Соматик касалликлар таҳлили шуни кўрсатганки, ЎСОК ва БАЎК билан оғриган беморларда гипертензия кўпроқ учраган (мос равишда 92,4%

ва 80,3%). ЎСОК билан оғриган беморлар гуруҳида юрак ишимик касаллиги 65,3% ни ташкил этган, бу бронхиал астма ва БАЎК(32,5% ва 38,6%) гуруҳига қараганда юқори кўрсаткич эканлиги аниқланган. Ошқозон-ичак тракти касалликлари (ГЭРК, сурункали гастрит, ошқозон яраси ва гепатобилиар тизим касалликлари) БАЎК билан оғриган беморлар гуруҳида (70,4%) ЎСОК (64,3%) ва БА (20,6%) гуруҳларига нисбатан кўпроқ учраши аниқланган. ЛОР органлари касалликлари (аллергик ринит, сурункали тонзиллит ва синусит) билан касалланиш даражаси БА гуруҳида аллергия компонент мавжудлиги сабабли (61,8%) кўпроқ учраган. ЎСОК гуруҳида эндокрин касалликлар кўпроқ аниқланган.

Сурункали респиратор патологиянинг ривожланиши учун муҳим хавф омили чанг, турли хил бўёқ ва лаклар ва абразив материаллар билан ишлаш, пестицидлар ва ёқилғи-мойлаш материаллар чиқиндиларини хидлаш ҳисобланади. Текширилган БАЎК ва ЎСОК билан касалланган гуруҳлардаги беморлар анамнезида касбий хавфлар устунлик қилган. Тамаки чекиш ҳам БАЎК ривожланишининг асосий хавф омилларидан биридир. Текширилган беморларнинг кўпчилиги, айниқса БАЎК (79,6%) ва ЎСОК (85,9%) бўлган гуруҳларда узоқ вақт чекиш тарихи бўлган. Астма билан оғриган беморлар орасида эса фақат учта беморда чекиш тарихи бўлган ва кунига 1 пачкадан кам бўлган.

БАЎК билан оғриган беморлар гуруҳи текширилганда асоратлар орасида ўпка-юрак учраш фоизи мос равишда ЎСОК (58,1%) ва БА (2,6%) бўлган гуруҳга қараганда юқори бўлган. БАЎК билан оғриган беморларнинг 67,6% да II ва III даражали нафас етишмовчилиги кузатилган, бу ЎСОК (54,5%) ва БА (26,7%) билан солиштирилган гуруҳларга қараганда анча юқори кўрсаткич ҳисобланади. ЎСОК гуруҳидаги беморлар учун сурункали юрак етишмовчилиги белгилари (67,6%), ўпка амфиземаси (87,6%) кўпроқ характерлидир.

БАЎК ривожланишида туғма иммунитет параметрларининг ўрнини ўрганиш учун ўткир фаза оксиллари ўрганилган.

Ўткир фаза оксил тизимининг асосий вазифаси - бегона ҳужайраларни чиқариб ташлаш (элиминация) ва иммун реакцияни тартибга солишдир.

Улардан бири С-реактив оксил (СРО) - жигар ҳужайралари томонидан ишлаб чиқариладиган носпецефик ҳимоя омиллари билан боғлиқ ўткир фаза оксидидир.

БА билан оғриган беморлар гуруҳида СРО даражаси ўртача $12,4 \pm 0,7$ мг /л га етган, бу ЎСОК билан касалланган гуруҳдан 1,63 баравар, БАЎК бўлган гуруҳдан 1,16 баравар ва назорат гуруҳидан 3 баравар юқори ($P < 0,001$). ЎСОК билан оғриган беморлар гуруҳида СРО даражаси $7,6 \pm 0,4$ мг/л га етган, бу назорат гуруҳига нисбатан 1,85 баравар юқори ($P < 0,001$). БАЎК билан оғриган беморларда СРО даражаси назорат гуруҳи кўрсаткичларидан 2,6 баравар юқори ($P < 0,001$).

ЎСОК гуруҳида фибриноген даражаси юқори бўлган.

Ўткир фаза оксиллар гуруҳига СРО комплемент компонентларидан ташқари лактоферринни ҳам ўз ичига олади, унинг даражаси бронхопулмонал патологияда камайти ва БА билан оғриган беморлар гуруҳида чуқурроқ етишмовчилик кузатилган ($365 \pm 12,2$ нг/мл, назорат гуруҳи - $445 \pm 9,8$ нг/мл), ($P < 0,01$).

ЎСОК билан оғриган беморларда лактоферрин даражаси назорат гуруҳи маълумотлари билан солиштириганда сезиларли даражада камайган ($P < 0,05$). БАЎК билан оғриган беморларда лактоферрин концентрацияси назорат кўрсаткичларидан 1,2 баравар паст бўлиб, ўртача $372,4 \pm 24,3$ нг / мл ни ташкил этган. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, қон зардобидаги лактоферрин даражасининг пасайиши нейтрофилларни яллиғланиш марказида ушлаб туриши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Барча семиз ва ортиқча вазнли беморларда D витамини етишмаган ва унинг энг паст даражаси астма ва ЎСОК кесишмаси билан оғриган беморларда кузатилган.

Диссертациянинг «**Бронхиал астма, ўпканинг сурункали обструктив касаллиги ва уларнинг кесишмаси билан касалланган беморларда иммунологик тадқиқотлар**» деб номланган тўртинчи бобида нафас олиш тизими касалликлари бўлган беморларнинг иммунологик текшириш натижалари келтирилган.

Тадқиқотларда ўрганилган гуруҳларда (IL-4, IL-8, TNF α , IFN- γ) яллиғланиш ва яллиғланишга қарши цитокинларнинг қиёсий таҳлили ўтказилган (1-жадвал).

1-жадвал

Ўрганилган гуруҳлардаги цитокинларнинг концентрацияси

	БА (n=62)	ЎСОК (n=67)	БАЎК (n=30)	Назорат
IL-4	$28,6 \pm 1,7^*$	$23,2 \pm 1,5$	$22,8 \pm 1,2$	$8,7 \pm 0,3$
IL-8	$18,7 \pm 1,4$	$27,8 \pm 1,3$	$39,6 \pm 1,1^*$	$11,6 \pm 0,4$
TNFα	$35,3 \pm 2,5$	$39,7 \pm 2,2$	$46,2 \pm 1,7^*$	$21,4 \pm 0,1$
IFN-γ	$11,7 \pm 0,6$	$14,3 \pm 1,5^*$	$12,4 \pm 0,2$	$19,1 \pm 0,9$

Эслатма: *Қийматлар назорат гуруҳига нисбатан ишончли ($P < 0,05-0,001$)


IL-4 даражаси БА гуруҳида энг юқори бўлган - $28,6 \pm 1,7$ пг / мл, бу ЎСОК гуруҳига қараганда 3,97 баравар ва БАЎК гуруҳига қараганда 1,25 баравар юқори. ($P < 0,01$).

ЎСОК ва БАЎКда IL-8 миқдорининг кўпайиши кузатилган, бу яллиғланиш ўчоғида нейтрофилларнинг иштироки билан боғлиқ (Азнабаева Л.Ф., 2018). Тадқиқотда IL-8 концентрацияси БАЎК гуруҳида юқори бўлган - $39,6 \pm 1,1$ пг/мл, бу БА гуруҳига нисбатан 2,1 баравар ва ЎСОКдан 1,42 баравар юқори. ($P < 0,01$)

TNF α нинг концентрациясини ўрганишда БА ва ЎСОК гуруҳлари ўртасида сезиларли фарқлар бўлмаган, БАЎК гуруҳида TNF α концентрацияси бошқа гуруҳларга нисбатан 1,3 баравар ошган ($46,2 \pm 1,7$

пг/мл) ($P < 0,01$). БАЎК гуруҳида $TNF\alpha$ даражасининг ошиши, ўпкада яллиғланиш жараёнининг жадаллашиши билан боғлиқ.

Интерферон гамма - аллергик бўлмаган яллиғланиш жараёнига кўпроқ хос бўлган Th1 иммун жавобининг кўрсаткичи ҳисобланади. $IFN-\gamma$ даражаси барча ўрганилган гуруҳларда камайган, лекин унинг энг паст концентрацияси БА гуруҳда кузатилди - $11,7 \pm 0,6$ пг/мл ($P < 0,01$) (1-расм).



1-расм. Ўрганилган гуруҳлардаги $TNF\alpha$ ва $IFN\gamma$ даражаси


Шундай қилиб, БА, ЎСОК ва БАЎКнинг зўриқиш давридаги беморларда яллиғланиш ва яллиғланишга қарши цитокинлар кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, IL-4 синтези бронхиал астма билан оғриган беморлар гуруҳида энг юқори бўлган ва ЎСОК гуруҳидан 3,97 марта, БАЎК гуруҳига қараганда 1,25 марта юқори бўлган ($P < 0,01$). IL-8 концентрацияси БАЎК гуруҳида юқори бўлиб - $39,6 \pm 1,1$ пг/мл ни ташкил этган, бу БА гуруҳига нисбатан 2,1 марта ва ЎСОКдан 1,42 баравар кўп. ($P < 0,01$). $TNF\alpha$ нинг концентрациясини ўрганишда БА ва КОАХ гуруҳлари ўртасида сезиларли фарқлар бўлмаган, БАЎК гуруҳида $TNF\alpha$ концентрацияси бошқа гуруҳларга нисбатан 1,3 баравар ошди ($46,2 \pm 1,7$ пг/мл) ($P < 0,01$). $IFN-\gamma$ даражаси барча ўрганилган гуруҳларда камайди, лекин унинг энг паст концентрацияси БА гуруҳда кузатилди - $11,7 \pm 0,6$ ($P < 0,01$). Олинган натижалар нафас йўллари яллиғланишининг тури ва интенсивлигини акс эттирган. Ўрганилаётган цитокинларнинг юқори қийматлари уларнинг бронхларни ремоделлаштиришдаги ўрнини тасдиқлайди ва ушбу патологияларда обструкциянинг қайтарилмас бўлишига ҳисса қўшади. Шубҳасиз, бу цитокинлар БА, ЎСОК, БАЎК патогенезида муҳим рол ўйнайди ва патологик жараённинг оғирлик маркерлари бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, бронхиал астамада IgE даражасининг кескин кўтарилиш тенденцияси мавжуд ($56,8 \pm 0,6$ нг/мл назорат гуруҳига нисбатан $142,3 \pm 0,9$ нг/мл). ($P < 0,01$).

ЎСОК ва БАЎК билан оғриган беморларда IgE даражаси мос равишда 1,2 ва 2 баравар кўпайган, ўртача $69,7 \pm 1,3$ нг/мл ва $113,8 \pm 1,6$ нг/мл ни

такшил этган, назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич - $56,8 \pm 0,6$ нг / мл га тенг бўлган ($P < 0,01$). (2-расм).

Текширилаётган гуруҳларда цитокинлар (IL-4, IFN- γ) ва IgE синтези ўртасида ҳам аниқ боғлиқлик аниқланган, айниқса бронхиал астма гуруҳида аниқроқ намоён бўлган. Бу кесишма ривожланишида бронхиал астманинг етакчи ўринга эга бўлиши мумкинлиги аниқланган.



2-расм. Ўрганилаётган гуруҳлардаги IgE нинг IL-4, IFN γ билан боғлиқлиги

10 та клиник ва иммунологик кўрсаткичлар ўртасидаги корреляцион боғлиқликларни таҳлил қилишда ўрганилаётган барча гуруҳларда (БА, ҚОАҲ ва ПБАҲ) 71 та заиф аҳамиятли корреляция алоқалари қайд этилган. Хусусан, бронхиал астма гуруҳида 16 та, ЎСОК гуруҳида 22 та, БАЎК гуруҳида 33 та боғлиқлик аниқланиб, энг катта ўзгаришларга IL-8 ва IFN- γ дучор бўлган. Юқоридан кўриниб турибдики бу касалликлар ривожланиши мураккаб иммунологик механизмларга боғлиқ бўлиб, бронхопулмонал дарахтнинг чуқур ўзгаришлари ва касалликнинг оғир кечишига олиб келган.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, БА, ЎСОК ва БАЎК билан оғриган беморларда яллиғланишга қарши цитокинлардан асосан - IL-8 ва IFN- γ кескин ўзгаришларга учраган. Шу муносабат билан биз ушбу кўрсаткичларни бирлаштирган индексни қуйидаги формула бўйича ҳисоблашни тўғри деб ҳисобладик: ККПИ = IL-8 ва IFN- γ . Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, амалда соғлом одамларда (назорат гуруҳи) ККПИ 1,0 дан кам ва $0,6 \pm 0,15$ ни ташкил этди. БА бўлган беморларда $2,96 \pm 0,3$ ни, ЎСОК да = $1,61 \pm 0,12$ ва БАЎК да бу кўрсаткич = $3,19 \pm 0,17$ ни ташкил этган.

IL-8 ва IFN- γ нисбати ушбу касалликнинг кечиши учун ишончли прогностик ва диагностик мезон бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Касаллик кечиши прогнози индекси (ККПИ) натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, текширилганлар орасида юқори индекс касалликнинг янада оғirroқ клиник кечиши ҳолатига тўғри келади. Шундай қилиб, масалан, ККПИ 3,1 ва ундан юқори бўлган БАЎК беморларда асоратларнинг кўп миқдорда учраши, касалликнинг оғир сурункали кечиши ва интоксикация белгилари билан биргаликда келиши кузатилган.

Диссертациянинг «**Бронхиал астма, ўпканинг сурункали обструктив касаллиги ва уларнинг кесишмаси билан касалланган беморларда молекуляр генетик тадқиқотлар**» деб номланган бешинчи бобида ўрганилган беморларнинг молекуляр генетик текширув натижалари келтирилган. Адабиётларга шарҳига кўра, ўпка касалликларининг шаклланиши ва ривожланишига таъсир қилувчи генетик омиллардан бири цитохром 450 оиласига тегишли CYP3A5 гени, хусусан, унинг G6986A полиморфизми ҳисобланиб, у кортикостероидлар метаболизмида бевосита иштирок этади.

Шунинг учун БА, ЎСОК ва БАЎК билан оғриган беморларда илгари қабул қилинган терапиянинг ретроспектив таҳлилини ўтказилган.

Ретроспектив таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, текширилган беморларнинг умумий сони (n=159) орасидан 23,9% (n=38) кортикостероидларнинг юқори дозаларини қабул қилган ва беморларнинг кўпчилигида БАЎК ташхиси қўйилган.

Кейинги босқичда БА, ЎСОК, БАЎК ташхиси қўйилган 110 беморда молекуляр генетик тадқиқотлар ўтказилган. Улардан 42 нафар бемор - энгил, ўрта-оғир, оғир бронхиал астма, 38 бемор ЎСОК ва 30 киши БАЎК билан касалланган.

Олинган маълумотларга кўра, 42 бемордан 1 (2,38%) нафар бемор А аллели бўйича гомозигота, 10 бемор (23,8%) гетерозигота ва GA генотипига эга, қолган беморлар G аллели бўйича гомозигота бўлган. GA гетерозиготалари орасида бир бемор энгил астма билан оғриган ва ГКСнинг паст дозаларини олган, тўртта ҳолатда ўртача астма ташхиси қўйилган ва бу беморлар орасида учтаси ГКСнинг юқори дозалари ва биттаси паст дозаларда ГКС / УДБА қабул қилган. Бешта гетерозиготада БА нинг оғир кечиши бор эди. Улар ўрта ва юқори дозаларда ГКС / УДБА қабул қилган. Гомозиготли аллел А 1 нафар беморда учраган, унда БА нинг оғир кечиши кузатилган ва 5-босқич терапиясини олган - ГКС, УДБА+УДМА. Шундай қилиб, 10 гетерозиготдан 9 тасида ва 1 нафар гомозиготли аллел А да астма симптомларини назорат қилиш учун терапия ҳажми GINA мезонларига мувофиқ учинчи, тўртинчи ва бешинчи босқичларга тўғри келди (2-жадвал.).

2-жадвал

CYP3A5 (G6986A) полиморфизмининг бронхиал астма энгил, ўрта-оғир ва оғир гуруҳларида учраш частотаси

CYP3A5 (G6986A)	Энгил n = 9	Ўрта оғир n = 13	Оғир n = 20	Жами = 42
GG	8	9	14	31 (73,8%)
GA	1	4	5	10 (23,8%)
AA	-	-	1	1 (2,38%)

Натижаларни статистик қайта ишлаш жараёнида ўрта-оғир ва оғир БА гуруҳида энгил БА гуруҳига нисбатан гетерозиготлар сони статистик жиҳатдан юқори эканлиги аниқланган ($P = 0,048$).

Касалликнинг оғирлиги назорат терапиясининг миқдорига қараб белгиланишини ҳисобга олсак, GA генотиби ва A аллелининг мавжудлиги (CYP3A5 (G6986A) гени) БА учун кўпроқ ҳажмдаги базавий фармакотерапия зарурати билан боғлиқ деб тахмин қилиш мумкин, хусусан кортикостероидларнинг катта дозалари ва иГКС/УДБА(УДМА) нинг фиксацияланган комбинацияси.

Назорат гуруҳи билан БА беморларининг олинган маълумотларини қиёсий таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, гуруҳда бронхиал астманинг AA генотиби 2,38% ($n = 1$), GA генотиби 23,8% ($n = 10$), GG - 73,8% да ($n = 31$) учради. A аллелининг учраш частотаси 14,2% ($n = 12$), G аллелининг частотаси 85,7% ($n = 72$).

Олинган натижаларни таҳлил қилганда, беморларнинг ушбу намунасида аллел A юқори индексга эга бўлган мойилликнинг сезиларли белгиси эканлиги аниқланди ($OR=2,50$; $\chi^2=4,09$; Wald 95% CI: $1,01>2,50>6,21$). Ўз навбатида, G маркери деярли соғлом одамларга нисбатан беморлар гуруҳида камроқ тарқалган ($OR=0,40$; $\chi^2=4,09$; Wald 95% CI: $0,16>0,40>0,99$). GG генотиби соғлом гуруҳда БА гуруҳига қараганда кўпроқ учрайди ($OR=0,35$; $\chi^2=4,34$; Wald 95% CI: $0,12>0,35>0,96$), GA генотиби эса бунда энг юқори нисбий хавф ва аҳамиятга эга бўлган, бу унинг мойиллик қийматини кўрсатади ($OR=2,90$; $\chi^2=4,14$; Wald 95% CI: $1,01>2,90>8,33$). AA генотиби БА гуруҳида соғлом гуруҳга қараганда кўпроқ учрайди, аммо бу кўрсаткич ишонарли эмас ($OR=1,73$; $\chi^2=0,15$; Wald 95% CI: $0,10>1,73>28,4$).

ЎСОК ($n = 67$) билан оғриган беморлар орасида генетик тадқиқотлар учун 38 нафар бемор танланган.

Олинган маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, 38 кишидан A аллели учун гомозигота йўқ, 5 бемор (13,1%) гетерозигота ва GA генотипига эга, қолган беморлар G аллели асосида гомозигота эди. GA гетерозиготалари орасида энгил ЎСОК йўқ эди, учта ҳолатда ўрта-оғир ЎСОК ташхиси қўйилган ва бу беморлар орасида иккитаси УДБА ва биттаси УДМА олган. Икки гетерозиготада ЎСОКнинг оғир кечиши кузаилди. Улар ГКС/УДМА қабул қилганлар. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, 5 гетерозиготдан 2 тасида ЎСОК белгиларини бартараф этиш учун терапия ҳажми GOLD мезонларига кўра C ва D гуруҳларига тўғри келган деган хулосага келиш мумкин.

Оғир ЎСОК (D гуруҳи GOLD-2021) бўлган беморларда CYP3A5 (G6986A) генининг аниқланган GA генотиби кортикостероидларнинг катта дозаларини қўллашга олиб келади. Аммо шуни ҳисобга олиш керакки, ушбу патологияда кортикостероидларнинг катта дозаларини қўллаш пневмониянинг ривожланишига ва ёндош касалликларнинг асоратларига олиб келиши мумкин.

Кейинчалик, биз ЎСОК бўлган гуруҳларда ва назорат гуруҳида СҮРЗА5 (G6986A) полиморфизмининг учраш частотасини аниқладик. ЎСОК билан оғриган беморлар гуруҳида АА генотиби аниқланмади, GA генотиби текширилганларнинг 13,1% да, GG 86,8% да, А аллелининг учраш частотаси 6,58%, G аллелининг частотаси 93,4% ни ташкил этган.

ЎСОК билан оғриган беморларнинг тадқиқот гуруҳларида G6986A полиморфизмини генотиплаш аллеллар ва генотипларнинг пайдо бўлиш частотасида сезиларли фарқларни аниқламаган. Олинган натижаларнинг қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, беморларнинг ушбу гуруҳларида аллел А ЎСОКга мойиллик маркери бўлган ($OR=1,05$, $\chi^2=0,009$, Wald 95% CI: $0,34>1,05>3,27$). G генотип маркери ўрганилган шахсларнинг соғлом гуруҳидаги аллел тақсимотига ўхшаш тақсимот билан тавсифланган ($OR=0,94$; $\chi^2=0,009$; Wald 95% CI: $0,30>0,94>2,93$). GG генотиби соғлом гуруҳда ЎСОК гуруҳига қараганда кўпроқ учраган ($OR=0,82$; $\chi^2=0,10$; Wald 95% CI: $0,25>0,82>2,72$), GA генотиби эса ушбу гуруҳда энг юқори нисбий хавфга дуч келди, бу унинг мойиллик қийматини билдирган ($OR=1,40$; $\chi^2=0,30$; Wald 95% CI: $0,41>1,40>4,77$).

Тадқиқотимизнинг кейинги босқичи БАЎК билан оғриган беморларда СҮРЗА5 генини ўрганиш бўлган.

Молекуляр генетик таҳлил шуни кўрсатганки, 30 кишидан 2 (6,67%) бемор А аллели билан гомозигота, 9 бемор (30,0%) гетерозигота ва GA генотипига эга, қолган текширилганлар G аллели бўйича гомозиготлар эди. GA нинг гетерозиготлари орасида олтига ҳолатда ўрта-оғир кечиши ва учта ҳолатда БАЎК оғир кечиши кузатилган. Улар глюкокортикостероидлар юқори дозаларини ва учлик фиксацияланган терапияни олдилар. БАЎК нинг оғир кечиши бор бўлган 2 беморда гомозиготли аллел А топилди ва у терапиянинг 5-босқичи - D гуруҳига тўғри келган.

Шундай қилиб, 9 гетерозиготдан 3 тасида ва А аллели учун 2 гомозиготада БАЎК белгиларини назорат қилишни таъминлаш учун терапия миқдори бешинчи босқичга - GINA, GOLD мезонлари бўйича C, D гуруҳларига тўғри келган (3-жадвал).

3-жадвал

СҮРЗА5 (G6986A) полиморфизмининг БАЎК ўрта-оғир ва оғир гуруҳларида учраш частотаси

СҮРЗА5 (G6986A)	Ўрта-оғир n = 16	Оғир n = 14	Жами n = 30
GG	10	9	19 (63,3%)
GA	6	3	9 (30,0%)
AA	-	2	2 (6,67%)

Кейинчалик, назорат гуруҳи билан БАЎК бўлган беморларда молекуляр генетик маълумотларнинг қиёсий таҳлили ўтказилган.

БАЎК гуруҳида АА генотиби 6,67% (n = 2), GA генотиби 30,0% ва GG генотиби текширилганларнинг 63,3% да топилган. А аллелининг пайдо бўлиш частотаси 21,6%, G аллелининг частотаси 78,3% ни ташкил этган.

Натижаларни таҳлил қилганда, беморларнинг ушбу гуруҳида аллел А юқори аҳамиятлилик индексига эга бўлган сезиларли даражада мойиллик белгиси эканлиги аниқланган (OR=4,14; $\chi^2=9,47$; Wald 95% CI: 1,66>4,14>10,3). Ўз навбатида, G маркери деярли соғлом одамларга нисбатан беморлар гуруҳида камроқ тарқалган (OR=0,24; $\chi^2=9,47$; Wald 95% CI: 0,09>0,24>0,60). GG генотиби БАЎК (OR=0,21; $\chi^2=9,12$; Wald 95% CI: 0,07>0,21>0,61) билан оғриган беморларга қараганда соғлом гуруҳда, GA генотиби эса беморлар гуруҳида кўпроқ учраган. (OR=3,98; $\chi^2=6,58$; Wald 95% CI: 1,32>3,98>11,9). АА генотиби энг юқори нисбий хавфга эга, аммо бу кўрсаткич ишонарли эмас (OR=5,07; $\chi^2=2,06$; Wald 95% CI: 0,44>5,07>54,1) (4-жадвал)

4-жадвал

**БАЎК ва назорат гуруҳидаги СҮР3А5 (G6986A)
полиморфизмининг учраш частотаси**

БАЎК	n=30	%	Назорат	n=72	%	OR	χ^2	p
G	47	78,3	G	135	93,7	0,24	9,47	0,002
A	13	21,6	A	9	6,25	4,14	9,47	0,002
GG	19	63,3	GG	64	88,8	0,21	9,12	0,002
GA	9	30,0	GA	7	9,72	3,98	6,58	0,01
AA	2	6,67	AA	1	1,39	5,07	2,06	0,15

Олинган маълумотларга асосланиб, СҮР3А5 полиморф маркерининг (G6986A) GA генотиби БАЎК ривожланишига мойилликнинг сезиларли даражада муҳим белгиси эканлиги ҳақида хулоса қилиш мумкин.

Шундай қилиб, СҮР3А5 генининг G6986A гетерозигота генотиби БА ва БАЎКда хавфли прогностик генотип ҳисобланиб ГКС нинг қўшимча дозаларини талаб қилган.

Клиник кўриниши бронхлар ва ўпканинг шикастланиши билан тавсифланадиган генетик касалликлар орасида аутосом-рецессив ирсийланадиган муковисцидоз касаллиги (МВ) алоҳида ўрин тутган.

Сурункали респиратор касаллиги бўлган хавф гуруҳидаги беморларда МВ ни истисно қилиш учун бизнинг тадқиқотларимиз доирасида БАЎК (30 киши) беморларида CFTR генининг полиморфизмини ўрганиш учун молекуляр генетик тестлар ўтказилди. Назорат гуруҳи 60 нафар амалда соғлом одамлардан иборат бўлган.

CFTR генининг БАЎК ривожланишига генетик ҳиссасини ўрганиш учун биз МВ билан боғлиқ CFTR генининг 8 та энг кўп учрайдиган мутациясини таҳлил қилинган.

«Ҳолат-назорат» таҳлиliga асосланган генотиплаш натижалари шуни кўрсатдики, БАЎК билан оғриган беморларда CFTR _f508del/n (3 нафар бемор), CFTR _W1282X/n (1 нафар бемор) генидаги мутацияларнинг

гетерозиготали ташилиши аниқланган. Тадқиқот ишида БАЎК билан касалланган беморда CFTR_f508del генининг гетерозигота ҳолатда ташишини оғир мутацияси мавжудлигининг клиник мисолини кўрсатилган.

ХУЛОСА

1. БА, ЎСОК билан оғриган текширилган беморлар орасида БА ва ЎСОК билан касалланиш мос равишда 32,6% ва 30,9% ни ташкил этди ($P < 0,05$). БА ва БАЎК билан оғриган беморлар куйидаги клиник белгилар билан тавсифланди: касалликнинг ЎСОК га нисбатан эрта бошланиши ва мос равишда узокроқ давом этиши; хавф омиллари сифатида касбий хавфлар 11,4% ва чекишнинг 79,6% учраши кузатилган.

2. БА, ЎСОК ва БАЎК билан оғриган беморларнинг хуруж даврида қон зардобидидаги IL-4 синтези бронхиал астма билан касалланган беморлар гуруҳида энг юқори ($P \leq 0,01$), бронхиал астма ва ўпканинг сурункали обструктив касаллиги кесишмаси гуруҳида IL-8 ва TNF α концентрацияси юқори ($P < 0,01$), IFN- γ даражаси барча тадқиқот гуруҳларида камайган бўлсада, унинг энг паст консентрацияси бронхиал астма гуруҳида кузатилган ($P < 0,01$). Текширилаётган гуруҳларда цитокинлар (IL-4, IFN- γ) ва IgE синтези ўртасида ҳам аниқ боғлиқлик аниқланган, айниқса бронхиал астма гуруҳида аниқроқ намоён бўлган.

3. Касалликнинг кечиш прогнози индекси IL-8 ва INF γ концентрациясининг нисбати асосида ҳисоблаб чиқилган. Соғлом одамларда (назорат гуруҳи) ККПИ 1,0 дан кам ва $0,6 \pm 0,15$ ни ташкил этди. ККПИ 3,1 ва ундан юқори бўлган БАЎК беморларда асоратларнинг кўп миқдорда учраши, касалликнинг оғир сурункали кечиши ва интоксикация белгилари билан биргаликда келиши кузатилди.

4.СҮРЗА5 генининг G6986A гетерозигота генотипи БАда (OR=2,90; $P=0,04$) ва БАЎК (OR=3,98; $P=0,01$) хавфли прогностик генотипи ҳисобланди.

5. Ўпканинг сурункали обструктив касаллиги кесишмаси билан оғриган беморларда CFTR_F508del (қиймати 0,028 ($P=0,05$)) гетерозигота ҳолатидаги хавф мутацияси ва CFTR_W1282X (қиймати 0,009 $P=0,016$) гетерозигота ҳолатидаги иккинчи хавф мутацияси муҳим аҳамиятга ега. Гетерозигота ҳолатида CFTR генида мутациялар аниқланган барча беморлар клиник жиҳатдан эрта бошланиши, нафас олиш йўллари касалликларининг оғир кечиши ва асоратларнинг юқори фоизи билан ажралиб туради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ
СТЕПЕНЕЙ DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 ПРИ БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

РАУФОВ АЛИШЕР АНВАРОВИЧ

**КЛИНИКО-ИММУНОЛОГИЧЕСКИЕ И МОЛЕКУЛЯРНО-ГЕНЕТИЧЕСКИЕ
АСПЕКТЫ ПЕРЕКРЕСТА БРОНХИАЛЬНОЙ АСТМЫ И ХРОНИЧЕСКОЙ
ОБСТРУКТИВНОЙ БОЛЕЗНИ ЛЕГКИХ**

14.00.36 – Аллергология и иммунология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Бухара–2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан №B2022.1.PhD/Tib1459

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.bsmi.uz) и Информационно-образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziynet.uz).

Научный руководитель

Файзуллаева Нигора Яхьяевна
доктор медицинских наук

Официальные оппоненты

Наврузова Шакар Истамовна
доктор медицинских наук, профессор

Нурпеисов Таир Темырланович
доктор медицинских наук, профессор
(Республика Казахстан)

Ведущая организация

Ташкентский педиатрический медицинский институт

Защита диссертации состоится «__» _____ 2022 г. в ____ часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 при Бухарском государственном медицинском институте (Адрес: 200118, г.Бухара, ул. Навои, дом 1. Тел./факс: +99865 233 00-50; Веб-сайт: www.bsmi.uz, E-mail: buhme@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована за № ...). (Адрес: 200118, г.Бухара, ул. Навои, дом 1. Тел./факс: +99865 233 00-50.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2022 года
(реестр протокола рассылки № _____ от _____ 2022 года).

А.Ш.Иноятов

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.Н.Ачилова

Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, доктор философии (PhD) по медицинским наукам, доцент

Б.З.Хамдамов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В связи со значительной распространённостью хронических неспецифических заболеваний лёгких и высоким уровнем инвалидности, одной из важнейших задач здравоохранения является профилактика и эффективная диагностика, а также лечение больных с хроническими заболеваниями бронхолегочного дерева. Бронхиальная астма и хроническая обструктивная болезнь легких являются хроническими рецидивирующими заболеваниями нижних дыхательных путей. Каждая из этих заболеваний имеет специфическую свою патофизиологию, клинику, иммунологические механизмы развития и генетическую предрасположенность, но иногда у некоторых пациентов БА и ХОБЛ могут сочетаться. По данным всемирной организации здравоохранения «...от астмы и хронической обструктивной болезни легких страдают 339 и 251 миллионов человек соответственно...»¹. А эпидемиология перекреста бронхиальной астмы и хронической обструктивной болезни легких варьирует от 10% до 30% среди больных бронхолегочной патологией.

Проводятся ряд исследований по всему миру по изучению распространенности, клинико-иммунологических молекулярно-генетических аспектов и факторов риска развития перекреста бронхиальной астмы и хронической обструктивной болезни легких. Приоритетным научным направлением в этой сфере остаются такие ключевые моменты как изучение иммуногенетических механизмов развития перекреста бронхиальной астмы и хронической обструктивной болезни легких; определение негативного влияния экологических факторов; совершенствование методов ранней диагностики и лечения данной нозологии; разработка протоколов ведения пациентов с перекрестом.

